2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 260 (516), 2021 йил 24 декабрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ”: ИЖТИМОИЙ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ САФОЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси**



**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи — ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ шарҳи**

**— Содиқ Солиҳович, Сиз билан ислоҳотларнинг янги босқичига ўтиш даври бошланиши арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Қолаверса, ўтган беш йилда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириш, ижтимоий ҳимоя, хотин-қизларнинг жамиятда фаоллигини таъминлаш, арзон уй-жойлар қуриш сиёсати, илм-фан, ёшлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида гаплашишни мақсад қилганмиз.**

**Шундай экан, кўз олдимиздан ҳар биримизнинг ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар, онгимиздаги эврилишлар кечаётгани бор гап. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда “катта сакраш” амалга оширилди. Келинг, суҳбатимизни мана шу жараёнда халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар самарасидан бошласак.**

— Сизни эшита туриб, халқимизнинг “Эллик йилда эл янги”, деган доно мақоли ёдга тушди. Элни янгилаш ислоҳот талаб қилиши кундек равшан. Агар жаҳон халқлари тарихига назар солсангиз, ҳар бир тараққий топган давлатда кескин ривож ислоҳотлардан бошланган.

Энди бевосита Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган беш йилдан буён катта эврилишлар даврида яшаяпмиз. Бундан беш йил олдин халқимиз сайлаган Йўлбошчи — Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мисли кўрилмаган тарихий ютуқларни қўлга киритдик. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмади ёки биров четдан келиб қилиб бермади. Барчасига аввал бошданоқ тўғри, узоқни кўзлаб танланган **Ҳаракатлар стратегияси** асосида эришдик. Бу йўл осон бўлгани ҳам йўқ. Неча-неча бедор тунлар эвазига, халқ дардини эшитиш, маҳаллаларга тушиш, оилаларга кириш, асрий муаммоларни ҳал этишдек ниҳоятда залворли, ўз навбатида, мураккаб ижтимоий-иқтисодий, қалтис сиёсий шароитда амалга оширилди.

Давоми 4-5-бетларда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Халқаро экспертлар:

# “ЎЗБЕКИСТОНДА ВИРТУАЛ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ”



**Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришган илк кунларданоқ халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилни илгари суриб келмоқда.**

Сўнгги беш йил давомида бу тамойил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. 2016 йил 28 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга оид фармони қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан аҳоли мурожаатларини қабул қилиш бўйича Виртуал ва Халқ қабулхоналари тизими фаолияти халқаро жамоатчилик вакиллари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

**Ўзбекистон Республикаси томонидан Афғонистонга етказилган инсонпарварлик юки 23 декабрь куни Мозори Шариф шаҳрида биродар халққа тантанали суръатда топширилди.**

Ун, гуруч, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда зарур бўладиган товарлар, кийим-кечак, тўқимачилик моллари, умумий оғирлиги 4 минг тоннадан зиёд кўмир ёқилғисидан иборат ушбу гуманитар ёрдами ўзбек халқининг Афғонистонга кўрсатган навбатдаги хайрихоҳлиги бўлди.

Маросимда сўзга чиққан Афғонистон Муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири ўринбосари Шер Аббос Станикзай мамлакат учун оғир дамда кўрсатилаётган доимий эътибор, қўллаб-қувватлов ва бирдамлик учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга бутун афғон халқи номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

Афғонистон халқига кўмаклашиш чақириғига давлатимиз раҳбари биринчилардан бўлиб эътибор қаратгани, унинг сиёсатини бу кўп миллатли халқ чинакам инсонпарварлик, биродарлик ва яхши қўшничиликнинг чинакам ифодаси сифатида қабул қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Шер Аббос Станикзай афғон халқи Ўзбекистон етакчисининг биродарлик муносабатини доимо ҳис қилиб келганини эътироф этаркан, мамлакатнинг янги ҳокимият идоралари томонидан яхши қўшничилик муносабатини янада мустаҳкамлаш учун бор имконият ишга солиниши, шунингдек, ўз ҳудудидан қўшни давлатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳеч қандай таҳдидларга йўл қўйилмаслигини билдирди.

Давоми 2-бетда

БАХШИЧИЛИК




# ДУНЁ НИГОҲИ ТУШГАН САНЪАТ

**Бахшичилик инсон онгини тарбияловчи санъатдир. Бу санъат яқин 4-5 йилгача эътибордан четда қолиб келгани маданиятимиз тарихига нисбатан салбий ҳолатлардан бири эди.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.**

Давоми 6-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ТОМОРҚАДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

## бозорга ҳам, оилага ҳам барака келтирмоқда

**Қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томорқа хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам қатор вазифаларни белгилаб берди.**

Жумладан, 500 минг гектардан зиёд томорқадан самарали фойдаланиш учун келгуси йил 100 миллион доллар ажратилишини таъкидлади. Томорқада деҳқончиликни йўлга қўйиш учун оилавий тадбиркорлик дастури шартлари асосида имтиёзли кредитлар ажратилади ҳамда улар томонидан етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида ҳар бир туманда кооперациялар ташкил этилади.

Ҳозир совуқ кунлар бўлишига қарамай, айрим томорқалар ҳамон яшил тусда, кўплаб иссиқхоналардаги манзара эса худди ёздагидек.

Давоми 2-бетда

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАССИВЛАРИ:

## замонавий, мустаҳкам ва инновацион қурилиш материаллари асосида бунёд этилади

3-бетга қаранг.



## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

### Халқаро экспертлар:

# “ЎЗБЕКИСТОНДА ВИРТУАЛ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ”

Бошланиши 1-бетда

**Ютагорн ВОНГВИАН,
Таиланд Миллий Ассамблеяси сенатори:**



— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда давлат раҳбари этиб сайлангач, мамлакат тараққиётининг янги босқичида кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганига бутун дунё ҳамжамияти гувоҳ бўлмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мезонига айланди. Ушбу ноёб тизим, ўз навбатида, давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган “Инсон қадри учун” тамойилига тўла мос келади.

Жаҳонда муқобили йўқ ушбу механизм туфайли мамлакатда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини, фуқароларга кўрсатилаётган ёрдамнинг мақсадли ва манзиллилик самарадорлигини оширишга муваффақ бўлинди.

Тизим аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Мазкур фикримни шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови якунлари яққол тасдиқлайди.

Мен Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Ўзбекистон халқининг ўз демократик сайлов ҳуқуқларидан қандай фойдаланаётгани менда катта таассурот қолдирди. Фуқаролар билан суҳбатлашганимда, уларнинг барчаси мамлакатда Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини эътироф этди. Жумладан, улар халқ билан доимий мулоқот тизимига айланган — Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти қисқа вақтда аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаровонлиги кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. Бундан кейин ҳам одамларнинг яшаш шароитлари янада юксалишига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдириш баробарида, кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

**Фариза ШАМ,
Малайзия Миллий университети қошидаги Ислом цивилизацияси институти директори:**



— Жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдим. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, республикадаги янгиланиш жараёни менда жуда катта таассурот қолдирди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини атрофлича ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарини ташкил этиш, шубҳасиз, давлат раҳбарининг асосий ислоҳотларидан биридир.

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган вақт мобайнида ушбу тузилмалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви самарадорлигини, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш механизми ва улар фаолиятини баҳолаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш мезонига айланди.

Энг муҳими, бугунги кунда Халқ қабулхоналари мамлакат фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолати сифатида Президент ваколатларини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти барча тармоқларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлигини таъминлашнинг самарали ва қудратли воситасига айланди.

Давлат органлари ва аҳоли ўртасида стратегик алоқанинг самарали тизими мавжудлиги демократик қонун устуворлигининг асосий кўрсаткичи, шунингдек, давлат ва жамиятнинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайман.

**Тарас КОЗУБ,
Украинанинг “Вести” газетаси бош муҳаррири ўринбосари:**

— Жорий йил Ўзбекистонда бўлдим, бу мамлакатингизга иккинчи марта боришим эди. Бундан бир неча йил аввал ўзбек халқининг қадимий мероси билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқандни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганман.

Шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида қатнашиб, сайлов жараёнини ёритдим ва айни пайтда мамлакатда давлат бошқаруви тизими, Ўзбекистонда қурилаётган ахборот-коммуникациялар тизими, жумладан, раҳбариятнинг халқ билан мулоқот тизимини ўрганиб чиқдим.

Айтишим керакки, 2018 йилда Ўзбекистонда илк марта бўлганимда, маҳаллий фуқаролар тавсиясига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан яратилган Халқ қабулхоналари фаолияти билан танишиб чиққан эдим.

Тизим давлат ва халқ ўртасида алоқа ўрнатиш нуқтаи назаридан анча самарали эканини исботлади. Бу тизимнинг афзаллиги нимада?

Биринчидан, бу тизим халқ ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун имкон беради. Одамлар ўз мурожаатларини ва фикр-мулоҳазаларини Халқ қабулхоналари орқали ёки ушбу ташкилотнинг веб-сайтларида қолдирмоқда. Бу ҳокимият органларига фуқароларни эшитиш ва уларнинг сўровларига қисқа муддатда жавоб бериш имконини беряпти.

Иккинчидан, ушбу тизим фуқароларнинг давлатдан янада самарали ёрдам олиш имконини оширмоқда. Мурожаатларнинг жуда катта қисми муайян масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам ёки маслаҳат олиш талаби билан боғлиқ. Бундай талаб мавжуд бўлганда, давлат халқ билан ўзаро алоқа сиёсатини янада самарали ва малакали тарзда қуриши мумкин.



Бундай оммавий Виртуал қабулхоналар ҳокимият органларига ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини бермоқда.

**Аркадий ШКЛЯР,
Беларусь касб таълими институтининг умумий ва касб педагогикаси кафедраси профессори:**



— Ўзбекистон билан жуда узоқ йиллик дўстлик алоқаларим мавжуд. 1977 йилда “Меҳнат захиралари” Олимпиадасида иштирок этиш учун илк бор Тошкентда бўлиш насиб этган эди. Кейинчалик профессионал фаолиятим давомида мамлакатга яна бир неча бор бориш имкониятига эга бўлдим. Самарқанддаги Амир Темур мақбарасини зиёрат қилишни ҳеч қачон унутмайман.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатда кенг кўламли ўзгаришларни амалга оширмоқда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилмоқда, дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан, Беларусь билан қардошлик муносабатларини янада ривожлантирмоқда ва мустаҳкамламоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда давлат аппаратининг самарадорлигини ошириш бўйича ривожланиш стратегияси яратилган. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил фақат сўзда эмас, балки амалда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳақиқатан ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаётгани, одамлар билан мулоқот қилаётгани, халқнинг ҳаётий муаммолари ва эҳтиёжларини пухта ўрганиб, ҳал этаётганини кузатиб турибмиз. Виртуал ва Халқ қабулхоналари нафақат давлат органлари фаолиятини тизимли ўрганиш, балки қонунни бузган мансабдор шахсларни лавозимдан четлаштиришгача интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш ваколатига эга.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти қабулхоналари давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларига тўла жавоб берадиган, эҳтиёж ва талаблар асосида муаммоларни ҳал этишга умид ва ишонч уйғотадиган аҳоли билан бевосита алоқа ўрната олди. Ўзбекистонда Виртуал ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши кўплаб мамлакатлар учун намуна бўла олади.

**Жан-Филип ВОКЛЕР,
Париж модалар академияси фахрий президенти (Франция):**



— Ўзбекистон ёш мустақил давлат ва турли соҳаларда жадал ислоҳотларни давом эттирмоқда. Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатда халқ билан доимий мулоқот тизими яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, давлат ишчилари нафақат қонунлар бажарилишини назорат қилиши, балки халқ билан яқин бўлиб, уларнинг фикрлари, кундалик эҳтиёжлари ва ижтимоий муаммоларини эшитиши ҳамда уларга ечим топишда амалий ёрдам кўрсатиши, албатта, мамлакат ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Биласизми, оддий халқ давлат томонидан эътиборни хоҳлайди ва унинг фикрлари турли сиёсий жараёнларда инобатга олинишини доимо ҳис қилиб туриши керак. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотни муҳим қадам, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар жадал тус олаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу жараёнда халқнинг фикрини билиш ва иқтисодиётни ривожлантиришда ҳамкорликка чақириш ўта муҳимдир. Мамлакатда яратилган халқ билан доимий мулоқот тизими янада ривожланиб, такомиллашиб, инсонлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

**“Дунё” АА**

# АКАДЕМИК ТЕМУРБЕК УСМОНОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли физик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Темурбек Усмонов 79 ёшида вафот этди.

Т.Усмонов 1942 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1967 йили Москва давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида иш бошлади. Сўнгра Москва давлат университети аспирантурасида таҳсил олиб, 1972 йилда номзодлик, 1987 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

У ўзининг қарийб 60 йиллик илмий педагогик ва ташкилотчилик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида катта илмий ходим, Электроника (ҳозирги Ион-плазма ва лазер технологиялари) институти лабораторияси мудири, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги йирик илмий лойиҳалар бўйича эксперт кенгаши раиси, Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти бош илмий ходими ва лаборатория мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Академик Т.Усмонов юртимизда лазер физикаси ва технологиялари, ночизиқли оптика ва спектроскопия соҳаларининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

У ўз соҳаси бўйича янги илмий йўналишга асос солиб, дунёда илк бор қувватли лазер нурланишларининг энг катта самарадорликдаги гармоникалари ва ёруғликнинг энг юқори даражадаги параметрик генерацияларини олишга эришди. Унинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган лазер комплекслари бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Олим 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 4 та монография, 16 та патент муаллифи бўлиб, 150 дан зиёд илмий мақолалари халқаро нуфузли журналларда чоп этилган эди.

Кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган жонкуяр устознинг бевосита раҳбарлигида 5 нафар фан доктори ва 15 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди.

Т.Усмоновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган эди.

Истеъдодли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Темурбек Усмоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Бошланиши 1-бетда

Балх вилояти ҳокими Қудратилла Абу Ҳамза айни вақтида кўрсатилаётган мазкур инсонпарварлик ёрдами қиш фаслида афғон халқи учун алоҳида аҳамият касб этишини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, бу икки биродар халқ ўртасидаги чуқур тарихий ва маънавий алоқаларнинг яна бир далилидир.

Афғонистон жамоатчилиги, жумладан, этник ўзбеклар вакиллари — таниқли арбоблар ўзлари учун энг оғир ва синовли дамда уларнинг эҳтиёжи, ўй-фикрларини ҳеч қачон унутмаган, доимо юракдан ҳис қилган, афғон халқининг ҳамиша ҳақиқий дўсти бўлиб қолган Ўзбекистон раҳбарига мислсиз ёрдам учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этишди.

Ўзбекистон томонидан кўрсатилган бу ёрдам аслида мамлакатда оммавий очарчилик, оғир гуманитар ва озиқ-овқат инқирозининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир сўнгида миллий қадриятимиз намойиши, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги рамзи сифатида барча йиғилганларга, Афғонистон жамоатчилиги вакилларига уста ошпазларимиз томонидан тайёрланган палов тарқатилди.

**ЎзА**



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ТОМОРҚАДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

## бозорга ҳам, оилага ҳам барака келтирмоқда

Бошланиши 1-бетда

Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизматидан маълум қилишларича, ҳудудда йил бошидан ҳозирги кунгача жами 68 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Шундан 12 миллион доллари мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидир. Тўрақўрғонлик деҳқонлар Россия, БАА, Хитой ва Европа бозорларига ўзлари етиштирган сархил ноз-неъматларни чиқаришга муваффақ бўлди.

Туманда қарийб 200 гектардан зиёд иссиқхона мавжуд ва улар орқали қишда ҳам эл дастурхонига сабзавотлар етказиб берилмоқда.

“Кўклам замини” МЧЖ иссиқхоналари Бахт массивидаги тошлоқ майдонда жойлашган. Бугун иссиқхоналарда иқлим мўътадил. Август ойида экилган 5 турдаги булғор қалампири пишиб етилди. Ҳар тупида 10-12 донадан ҳосил борлигини инобатга олсак, 80 сотихдан қанча даромад олишни сарҳисоб қилиш қийин эмас.

“Ахси” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кейинги икки йилда иссиқхоналар сони икки баравар ортди. Айни кунда 48 нафар деҳқон плёнка остида помидор, бодринг, лимон, кўкат каби экинларни етиштириб, рўзғорига барака киритмоқда.

Илҳомжон Жабборов ана шундай тажрибали деҳқонлардан. Унинг хонадони дарвоза олдиданоқ обод ва кўркамлиги билан эътиборингизни тортади. Икки йил аввал қурилган 2,5 сотихли иссиқхона ташқарида кеч куз эканини унуттириб юборадиган даражада яшилликка бурканган. Исмалоқлар орасидаги 42 туп лимон кўчати йил сайин бўй чўзмоқда.

— Бу йил редиска ва бодринг ҳосилидан 10 миллион сўм фойда олдик, — дейди И.Жабборов. — 15 кундан буён эса исмалоқ сотяпмиз. Иссиқхона деҳқончилиги яхши иш экан. Ҳар куни рўзғоримизга даромад киряпти.

Жабборовлар хонадонига сиз ҳам бир кириб ўтинг, чаман очилган гулларга боқиб, албатта, баҳри дилингиз яйрайди. Ҳа, фаровонлик ҳалол меҳнат ортидан келади. Жабборовлар оиласи эса буни ўзларининг гўзал турмушлари мисолида исботлаб, кўпчиликка намуна бўлмоқда.

**Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАССИВЛАРИ:

## замонавий, мустаҳкам ва инновацион қурилиш материаллари асосида бунёд этилади



### Маҳсулот ҳам, хомашё ҳам ўзимизники

Бугун мамлакатимиздаги қурилишлар, шаҳар-туманларда қад ростлаётган маҳобатли бинолардан кўз қувнайди. Булутларга туташ осмонўпар иншоотларни оз фурсатда барпо этаётган соҳа вакилларининг ишларига қойил қоласиз. Тобора ривожланиб бораётган қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқарилаётган замонавий, инновацион маҳсулотлар, йиғилувчан конструкциялар қисқа вақтда шундай мустаҳкам бино-иншоотларни қуриш имконини бермоқда.

Қурилишлар ҳақида гап борганида юртимизда ортиб бораётган тажриба салмоғи ҳақида таъкидлаш жоиз. Охирги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида энг замонавий, муҳташам бинолар, дам олиш ва савдо масканлари, турар жой мавзелари қад ростламоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 10 ойида Ўзбекистонда жами 85,9 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу ҳажм ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 5,1 фоизга ошган. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди.

Мазкур кўрсаткич бундан кейин янада ортиб бораверади. Чунки мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги Тараққиёт стратегиясида уй-жойларни қуришни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилишини таъкидлаган. Шу йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу дастурнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Ўтган бир ойда янги массивлар учун шаҳар ёки туман марказига яқин, инфратузилмага эга жойлар танланиб, дастлабки лойиҳалар шакллантирилди.

Мазкур лойиҳалар 30 ноябрь куни Президентимиз ҳузурида тақдимот қилинди. Режага кўра, келгуси йилда 22 та янги массив барпо этилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида белгиланган вазифаларни ҳам инобатга оладиган бўлсак, бундай кенг кўламдаги ишларда қурилиш материалларига талабнинг янада ортиши ўз-ўзидан яхши маълум.

Бугунги биноларни эскилари билан таққослаб бўлмайди. Ҳозир қурилиш ишларида янги турдаги, инновацион, энергиятежамкор қурилиш материаллари улуши ортиб боряпти. Қувонарлиси, бундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгайган. Биргина мисол, 2016 йилда юртимизда 80 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб, уларнинг тури 180 тадан ошди. 2021 йилнинг 9 ойида жами 18,3 триллион сўмлик шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 112 фоизни ташкил этган. Импорт кўрсаткичи эса бу даврда 11 фоизга камайган.

Маълумки, қурилиш сифати ва муддати кўп жиҳатдан ишлатилаётган материалларга боғлиқ. Шу йил 2 декабрь куни Президентимиз раислигида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида замонавий материалларни ишлатиш ҳисобига қурилиш муддатини 30 фоизга, таннархни эса 20 фоизга камайтириш мумкинлиги таъкидланди. Инновацион, энергиятежамкор материалларни шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига киритиш, уй-жойлар барпо этишда улардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

### Ғиштдан бир неча марта енгил

Ана энди замонавий қурилиш материаллари турлари ҳақида тўхталсак. Авваллари пардозбоп керамик плитка, хилма-хил гулқоғозлар, иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари асосан хориждан олиб келингани боис, улардан фойдаланишга ҳамманинг ҳам имкони етмасди. Энди эса бу каби маҳсулотларнинг нафақат маҳаллий, балки янгидан-янги, инновацион турларини бозорлардан истаганча топиш мумкин.

Талаб ва таклифнинг ортиб бориши айни вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иш ҳажмининг кенгайишига йўл очмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда автоклав газобетоннинг бозори анчагина чаққон. Бу бежиз эмас, албатта.

Автоклав газобетон ғовак бетоннинг бир тури бўлиб, уни “сунъий тош” деб ҳам аташади. Таркибида 1-3 миллиметрли пуфаклар бўлгани ҳолда, оддий бетондан енгиллиги, етарли даражада мустаҳкамлиги, иссиқ ва совуқдан яхши ҳимоялаш хусусиятлари билан устунликка эга. Пишиқ ғиштга нисбатан афзалликлари эса табиий газни 8 марта кам сарфлаши, энергиятежамкорлиги ва энг асосийси, унумдор тупроқнинг ишлатилмаслигида. Масалан, 1 куб метр ғишт 1800-2000 килограмм оғирликка эга бўлса, шу ҳажмдаги газобетоннинг оғирлиги атиги 500-700 килограммни ташкил этади. Бу эса қурилиш жараёнини нафақат тезлаштиради, балки бино фундаментига тушадиган оғирликни ҳам камайтиради. Яна бир афзаллиги, автоклав блоклар ишлаб чиқариш жараёнидаёқ прессланган бўлади, шу сабабли улар вақт ўтган сари ўз шакли ва тузилмасини ўзгартирмайди. Қолаверса, газобетондан фойдаланган ҳолда қурилган уй-жойлар ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади. Иқтисодий тежамкорлиги ҳам сезиларли — ғишт ўрнига газобетон ва пенобетондан фойдаланилса, юқорида қайд этганимиздек, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 баравар камаяди, иссиқлик ва совуқликни сақлаш эса 5 бaробарга ошади. Шу боис, газобетон ҳозирги кунда энг замонавий қурилиш материаллари қаторидан жой олмоқда.



— Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини янада кенгайтириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Азизбек Баҳодиров. — Хусусан, 2019-2021 йилларда республика бўйича автоклав газобетон блокларини ишлаб чиқаришга қаратилган умумий қуввати 2,1 миллион куб метр бўлган 14 та лойиҳа амалга ошириляпти. Эътиборлиси, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хомашёнинг барчаси республикамизда мавжуд бўлиб, уларни хориждан олиб келишга зарурат йўқ. Масалан, газобетон таркибида 70 фоизни ташкил этадиган кварс қумининг Навоий, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида катта захиралари мавжуд.

### Ҳам иссиқ, ҳам чидамли

Мамлакатимизда иссиқлик сақловчи қурилиш материалларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бу борада базальт тошидан минерал плиталар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу турдаги қурилиш материалини тайёрлашда Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги “Ўзметкомбинат” АЖ етакчилардан ҳисобланади. Мазкур маҳсулот илк бор мана шу корхонада ишлаб чиқарилган.

Комбинатдаги йилига 10 минг тонна базальтдан иссиқлик сақловчи материаллар, 2-навли прокат ва пўлат симлар ишлаб чиқариш цехларида доим иш қизғин. Пўлат эритиш цехи 980 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. “Ўзметкомбинат” АЖ қора металлар прокати ишлаб чиқариш бўйича ҳам Марказий Осиёда энг йирик корхона ҳисобланади.

Айтишларича, бу ерда ишлаб чиқаришнинг замонавий асосда реконструкция ва модернизация қилиниши, техник қайта жиҳозланиши юқори сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга имкон яратмоқда. Пўлат арматуралар, полосалар, пўлат шарлар ва симлар, сирланган пўлат идишлар, иссиқликни сақловчи материаллар, ферроқотишмалар, мисдан ва мис қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек, газсимон суюқ аргон ва бошқалар шулар жумласидан. Комбинат маҳсулотларининг барчаси мувофиқлик сертификатига эга бўлиб, корхона миллий халқаро сифат стандартлари асосида фаолият юритиб келмоқда.

Биргина корхонанинг қуввати халқимизнинг эҳтиёжини тўла қондиришга етарли эмас, албатта. Шу боис, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан ушбу йўналишда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида янги қувватлар ишга туширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда кўп қаватли уйлар қурилиши билан танишиш чоғида бундан буён деворбоп материал сифатида ғиштдан фойдаланишни қисқартириш ва иссиқлик ўтказмайдиган базальт толали плиталарни қўллаш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу асосида республикамизда базальт толали плиталар ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ана шундай корхоналардан бири жорий йилда Жиззах вилоятида ишга туширилди. “Базальт Wool” корхонаси Европадан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, 100 га яқин кишини иш билан таъминлади. Унинг йиллик қуввати 35 минг тонна.

Базальт толали плиталар бино ичида мўътадил ҳароратни ҳосил қилиши, ташқи таъсирлар ва ёнғинга чидамлилиги, экологик тозалиги каби қатор афзалликларга эга. Муҳими, маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Хоразм вилоятида ишга тушиши режалаштирилган янги корхонада ҳам йилига 55 минг тонна базальт минерал плиталари ишлаб чиқарилади. Умумий қиймати 59 миллион 370 минг евро бўлган ушбу лойиҳа учун эски темир-бетон буюмлари заводи биноси реконструкция қилинмоқда. Корхона ривожланган давлатларнинг энергиятежамкор ускуналари билан жиҳозланиб, тўлиқ қувват билан ишга тушгач, 250 та янги иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 фоизини экспортга йўналтириш кўзда тутилган.



### Хорижникидан анча арзон

Бозор талабларини қондиришда саноат корхоналарининг ўрни, айниқса, юқори. Жорий йилнинг 9 ойи давомида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги қувватлар томонидан жами 7 триллион 155,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 136,2 фоизни ташкил этди. Шунингдек, пардозбоп керамик плитка, сантехкерамика маҳсулотлари, керамогранит, базальт арматураси, гулқоғоз ўзлаштириш йўлга қўйилди.

Биргина керамик плиткаларни оладиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотга нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорида ҳам талаб катта. Бундан унумли фойдаланишни мақсад қилган тадбиркорлар эса ўз корхоналарига янги технологиялар ўрнатиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмоқда. Натижада жорий йилнинг 10 ойи давомида республикада мавжуд саноат корхоналарида жами 24 миллион 221 минг квадрат метр керамик плиткалар ишлаб чиқарилди.

Бу борада энг юқори кўрсаткич Фарғона вилоятидаги “Moderna Ceramic Industries Ferghana” МЧЖ ҳиссасига тўғри келмоқда. Жамият томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида 5 миллион 564 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган экспортёр корхоналардан бири — “Prime ceramics” МЧЖда шу кунгача 2,9 миллион квадрат метр керамик плиткалар мижозларга етказилди. Сирдарё вилоятидаги “Sirdarya Ceramic Production” МЧЖ қўшма корхонасида эса ҳисобот даврида 3,06 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрланган.

Керамик плитка ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан яна бири — “Orient keramik” МЧЖ ҳисобланади. Чилонзор туманидаги саноат зонасида 3,6 гектар ҳудудда жойлашган мазкур цехда йилига 3,6 миллион квадрат метр керамик плитка ишлаб чиқарилади.

— Корхонамиз 2019 йилда иш бошлаган, — дейди МЧЖ раҳбари ўринбосари Азиз Жилонов. — Айни пайтда бу ерда 270 ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимиз деярли 100 фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Шу боис, бу ерда ишлаб чиқарилган кафеллар хорижникидан бир неча баробар арзон нархларда ички бозорга чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг 30 фоиздан ортиғи Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилиняпти.

Умуман олганда, тадбиркорларимиз экспорт борасида давлатимиз томонидан уларга берилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланяпти. Буни жорий йилда қурилиш материаллари саноатида 287,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 бараварга таъминланганида ҳам кўриш мумкин. Экспорт географияси кенгайиб, анъанавий бозорлар қаторига Озарбайжон, Туркия, Россия, Украина ва Хитой давлатлари ҳам қўшилди.

### Чиқиндиси ҳам увол бўлмайди

Қурилиш соҳасида табиий ва пардозбоп тошларга ҳам талаб юқори. Айниқса, ёрқин ва ўзгача услубдаги дизайн ишқибозлари табиий пардозбоп тошлардан ишланган замонавий қурилиш материалларига харидор бўлади.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси маълумотларига кўра, республика ҳудудларида 2020 йил 1 январь ҳолати билан 110 та табиий пардозбоп тош конлари мавжуд бўлиб, уларнинг захираси 129,6 миллион метр кубни ташкил қилади. Шу турдаги тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи 250 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.



Жорий йилда ушбу йўналишда бир қатор инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш кўзда тутилган. Жумладан, 2020-2021 йилларда Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятларида йиллик қуввати 347,1 минг куб метр мармар ва гранит тошларини қазиб олиш, 2,6 миллион квадрат метр мармар ва гранит плиталарини қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 97,2 миллион доллар бўлган 23 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган.

Бунинг натижасида янги конларни ўзлаштириш ҳисобига қўшимча 296,5 минг куб метр мармар, гранит, габбро ва бошқалардан харсангларни қазиб олиш, 2,2 миллион квадрат метрдан ортиқ ҳар-хил турдаги плиталар ва меъморий маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватини ҳамда 900 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

Аҳамиятлиси, улардан ҳосил бўлган чиқиндилар ҳам увол бўлмас экан. Масалан, мармартош бўлакларидан композит қоплама материаллар, табиий тошлардан маёлика ва мозаик плиткалар, гранит конларида ва ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилардан брекчия, шағал каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бу лойиҳалар улкан режаларнинг бир қисми, холос. Президентнинг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда қурилиш материаллари тизимида хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида 39 та лойиҳа бўйича 327,6 миллион доллар ўзлаштириш белгиланган. Шунингдек, жами 306 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш ва 1 625 та янги иш ўрнини ташкил этиш кўзда тутилган.

— Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари доирасида дастлабки рўйхатга кўра, 2021 йилнинг 9 ойи давомида соҳада жами 806 та лойиҳа бўйича 9 триллион 223 миллиард сўм ўзлаштириш белгиланган, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳром Аллабергенов. — Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида импорт ўрнини босувчи флоат ойна, базальт ва шиша момиғидан иссиқлик сақловчи плиталар, базальт толасидан композит арматуралар, қувурлар ва геосеткалар, керамогранит, гулқоғоз, мармар, травертин ва гранит плиталари, лок-бўёқ маҳсулотлари, керамик плиткалар ва бошқа янги турдаги замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ана шундай лойиҳалар натижасида юртимизда қад ростлаётган бино-иншоотлар инновацион, муҳими, арзон нархлардаги маҳаллий ва сифатли қурилиш материаллари асосида барпо этилмоқда. Азалдан қурилишлар қилиб, фарзандларини уйли-жойли қилишни хуш кўрадиган халқимиз учун ҳам бу борадаги ўзгаришлар, қурилиш материаллари бозорида танлов имкониятининг ортиб бораётгани айни муддао бўляпти.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news



## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ”: ИЖТИМОИЙ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ САФОЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси**



**Бугун халқаро ҳамжамият мамлакатимиздаги бу ўзгаришларни “ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ”, дея эътироф этмоқда. Бу ниҳоятда катта эътироф. Тарихда бор-йўғи беш йилда биз каби ислоҳотлар самарасини ёрқин ифода эта олган давлатлар кам топилади. Бунда, сўзсиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг заҳматли меҳнати борлигини биз ҳам, дунё ҳам билиб турибди. Шу боис, яқинда Туркиянинг нуфузли “ANKASAM” нашри Ўзбекистон раҳбарини туркий дунёнинг етакчи давлат арбобларидан бири сифатида эътироф этди.**

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, эндиликда мамлакатимиздаги барча даражадаги ҳокимият идоралари фаолиятида **“Инсон қадри учун” деган устувор тамойил бош мезон бўлиб қолади.** Давлатимиз раҳбари урғу бериб айтганидек, **“биз бундан буён фаолиятимизни “инсон — жамият — давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз”.**

Давлатимиз раҳбари адолатли ижтимоий сиёсат юритишни мамлакат ривожининг асосий мақсадлари ичида энг муҳим йўналиш сифатида билади. Бу ҳам бизнинг жуда катта ютуғимиз. Чунки халқимиз узоқ йиллар “ижтимоий сиёсат” тушунчаси нималигини билмай яшади, унинг фараҳбахш сезимларини ҳис қилмади. Фақат кейинги беш йилда **“бўлар экан-ку”, деган уйғоқ кайфият** билан яшаяпмиз.

Аслида эса **ижтимоий соҳа — миллий хавфсизлик омилларидан бири.** Бу борадаги жамият барқарорлигига асосий таҳдидлар жумласига даромадлар даражасидаги табақалашув, салбий демографик ўзгаришлар, ишсизлар сони ва меҳнат миграцияси ўсиши, саводхонлик пасайиши, иқтидорли ёшларнинг хорижга кетиб қолиши, бевақт ўлим, касалланиш, ногиронлик даражаси ёмонлашиши, эпидемиялар ва пандемияларнинг юзага келиши киради.

Бизнинг ўтган беш йилда эришган катта ютуқларимиздан бири ана шу таҳдидларга барҳам берганимиз бўлди. Бу биз юқорида тилга олган элни янгилаш сиёсатининг кўр олиши билан изоҳланади.

Энг асосийси, Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу ислоҳотлар ортга қайтмас тус олди.** Бунга ўтган беш йилликда нафақат халқимиз, шунингдек, бутун дунё ишонди ва Ўзбекистондаги кенг кўламли янгиланишларга ҳавас билан боқмоқда.

Жорий йилги Президент сайловидан кейин Малайзиянинг **“OIC TODAY” нашри**да эълон қилинган мақолани ўқидим. Унда Шавкат Мирзиёевнинг сайловдаги муваффақияти замирида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** асосида бажарилган катта ислоҳотлар ётганига урғу берилади. Бу даврда мамлакатда энг муҳим маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилгани эътироф этилади.

Дарҳақиқат, ўтган даврда Ўзбекистон шиддатли ислоҳотлар мамлакатига айланди. Узоқ йиллардан буён ечимини кутиб келган муаммолар ҳал этилди. Мамлакатда диний бағрикенглик, яқин-йироқ давлатлар билан дўстона ҳамкорлик муҳити шаклланди. Гендер тенглик сиёсати юритилиб, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Буларнинг барчаси Ҳаракатлар стратегияси асосида заҳматли меҳнатлар эвазига бажарилди.

Бугун халқаро ҳамжамият мамлакатимиздаги бу ўзгаришларни **“ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ”**, дея эътироф этмоқда. Бу ниҳоятда катта эътироф. Тарихда бор-йўғи беш йилда биз каби ислоҳотлар самарасини ёрқин ифода эта олган давлатлар кам топилади. Бунда, сўзсиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг заҳматли меҳнати борлигини биз ҳам, дунё ҳам билиб турибди. Шу боис, яқинда Туркиянинг нуфузли **“ANKASAM” нашри Ўзбекистон раҳбарини туркий дунёнинг етакчи давлат арбобларидан бири сифатида эътироф этди.**

**— Кейинги йилларда халқимиз дунёқарашида ҳам ижобий ўзгаришларни, жумладан, ҳаётга бўлган иштиёқ, ислоҳотларга дахлдорлик, келажакка ишонч ҳиссини сезяпмиз. Фикримизча, бу қутлуғ ҳодиса ҳам, аввало, инсонларнинг яшаш шароити яхшиланиб бораётгани билан изоҳланади. Аввал иқтисод, кейин сиёсат, деган ибора ҳам бежиз айтилмаган-ку. Шу маънода, ўзингиз юқорида таъкидлаган катта ижтимоий сиёсатнинг халқимиз ҳаётидаги ифодаси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Агар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурларини таҳлил қилсак, ижтимоий соҳага йил сайин кўпроқ эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўламиз. Мазкур далил ҳам янги Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида бунёд бўлаётганини яққол кўрсатади.

Биргина жорий йилда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари, стартап ва ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ҳажми 600 миллиард сўмни ташкил қилди.

Тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига 100 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда миллий валютадаги кредитлар йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар эса йиллик 3 фоиз миқдорида 7 йилгача муддатга тақдим этилиши белгиланди.

Ишсиз аъзолари бор оилалар учун “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизими яратилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш, деҳқончилик билан шуғулланиши учун ер ажратиш каби имкониятлар кенгайтирилди. Дафтарларга киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаши учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилишга 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Узоқ йиллар халқимизни уй-жой масаласи ўйлантириб келди. Аҳолини уй билан таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошланган ислоҳотлар самарасида ана шу муаммо ҳам барҳам топди. Бундан икки йил олдин ипотека тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бунда аҳолига истаган уйни сотиб олиш имконияти яратилди. Ипотека дастурлари доирасида йилига ўртача 35 минг хонадонли уй-жойлар қурилмоқда.

Энг асосий ислоҳотлардан бири — Конституциямиз ишлай бошлади. Фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқлари тикланди. Буни биргина прописка тизимидаги ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Миллий валютанинг ислоҳ қилиниши, нақд пул ва банк пластик карточкалари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши кўплаб ижтимоий муаммоларга барҳам берди.

Она ва бола саломатлиги, тиббий хизмат, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги катта ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Пировардида аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайиши ва умр узайишига эришилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати янгиланди. Мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Хуллас, Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Буларнинг барчаси кундалик ҳаётимизда ўз аксини топаётир. Ҳар куни кўриб, билиб турибмиз.

**— Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясининг Ўзбекистон ёшлари ҳаётида тутган ўрни ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Луи Арагон “Ёшлар орзу қилади. Қарилар эслайди”, дегани каби биз ҳам ўрта авлод вакили сифатида ўтган ёшлигимизни эслаб, юртимиз ёшларига ҳавас қиламиз. Ўтган асрда ёшликнинг чеки бошқа эди. Бугунги Ўзбекистон ёшлари аввалги йигит-қизлар эмас. Уларнинг дунёқараши ҳавасли, орзу-интилишлари ҳавасли, Президент яратиб берган шароит ва имкониятлар ҳавасли. Улар янги Ўзбекистон ёшлари бўлгани учун ҳам ҳавасга арзийди.

Бугун Ўзбекистон нуфусининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун ёшлар масаласи янги Ўзбекистондаги давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Президентимиз томонидан 2016 йилда имзоланган биринчи қонун айнан “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлгани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимизда кейинги 5 йилда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзлаган 50 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани ушбу сиёсатнинг ёрқин исботидир.

Ҳукумат таркибида Ўзбекистонда ёшлар билан ишлашга масъул бўлган Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини бошлади. Олий Мажлис палаталарида Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида 260 дан ортиқ ёш депутат фаолият юритмоқда.

Бутун дунё бўйича 30 ёшгача бўлган депутатлар улуши 2,6 фоизни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан зиёддир. Биз бу кўрсаткични янада ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Шунинг учун Сенат Кенгашининг тегишли қарори қабул қилиниб, ҳудудлардаги ўғил-қизлар Сенат аъзоларига бириктирилди, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида Ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилди, фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат янги авлод захира кадрлари шакллантирилди. Сенат қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизими жорий этилди.

Дунёда оч-наҳор, мактаб нималигини билмай ўтаётган болалар бор. Уларнинг орзуси қандайлиги ҳаммага аён: тушида ажални кўрмаса, тонгда уйғонганида иссиқ нон билан қуюқ қаймоқ бўлса, ота-онасидан ажраб қолмаса, бас...

Яратганга шукр, бугун бизнинг фарзандларимиз жаҳон чемпиони бўлишни, ўқиб-ўрганиб дунёни забт этишни орзу қилади. Бунинг учун барча асослар бор-да. Масалан, мамлакатимизда болаларнинг 100 фоизи мактаб таълими билан қамраб олинган, яқин йилларда мактабгача таълим қамровини 80 фоизга етказиш, битирувчиларнинг олий таълимга жалб қилинишини 60 фоиздан ошириш чоралари кўрилаётгани алоҳида таҳсинга сазовор. Зеро, XXI асрда ҳеч бир мамлакат таълим тизимини ривожлантирмай туриб тараққиётга эришиши мумкин эмас. Шунинг учун янги Ўзбекистондаги туб ислоҳотлар ҳам айнан таълим тизимига қаратилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар талаба учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди.

Олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугаганидан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилди. Олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 баробар оширилди.

Мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 140 дан ошди, 26 та хорижий олий таълим муассасаси филиали очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикамиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, 182 минг йигит-қиз учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу — умумий битирувчиларнинг олий таълимга қамрови 28 фоизга етди, дегани. 4 йил аввал шу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди.

Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилди, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг қизга бу йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилди. Профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши 3,5 баробар оширилди. Ўқишга ҳужжат топшираётганлар ҳам 2 баробар кўпайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилди ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилди.

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, забардаст ёшликни қўллаб-қувватлайдиган бу тизим қачон бўлган ёки қайси ривожланган давлатда бор?! Навоий, Бобур ва жадид боболаримиз орзу қилган шу кунлар эмасми?!

Сир эмас, айрим ёшларимиз хорижга ишлаш учун кетади. Шу ёшларимиз ҳам ўйнаб кетмаган, ўйлаб кетган. Лекин Ўзбекистонда янги сиёсат бошлангунга қадар улардан ҳол сўрайдиган мард топилмади. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто муайян муддат чет элда ишлаб, ҳалол пул топиб келган юртдошларимизни давлат ишига қабул қилмадик. Уларга бегона кўз билан қарадик.

Шавкат Мирзиёев ана шу вазиятни тубдан ўзгартирди. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти такомиллаштирилди.

**Ҳаракатлар стратегиясида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёшларнинг илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида илмий дастурни амалга ошириш учун илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши, 2021 йилдан бошлаб иқтидорли ёшлар ўртасида “Академик ҳаракатчанлик” дастури ва “Бўлажак олим” танлови ташкил қилиниши, стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурага қабул квоталари босқичма-босқич оширилиши катта самаралар бериши шубҳасиз.**

Мустабид тузум даврида ҳам, мустақилликдан кейинги йилларда ҳам мактаб ўқувчилари пахта далаларида “ўқиди”. Мурғак йигит-қизларимизнинг қўли қадоқ бўлиб, қалби пахта заҳмати билан улғайди.

Давоми 5-бетда

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ”: ИЖТИМОИЙ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ САФОЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси**

Бошланиши 1-, 4-бетларда

Халқимиз Етакчисининг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг барча шаклларига, хусусан, болалар меҳнатига чек қўйилди. Фикримиз тасдиғи сифатида АҚШ Давлат департаменти томонидан 2020 йилда эълон қилинган ҳисоботни ҳам келтириш мумкин. Унда **“Ўзбекистоннинг ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган катта саъй-ҳаракатлари минтақадаги мамлакатлар учун янги стандартни белгилаб бермоқда”,** дея алоҳида қайд этилиб, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилган.

Яна бир эътиборли жиҳат, 2020-2021 йилларда мамлакатимизда биргина “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга киритилган бир қанча ўзгаришлар аниқ амалий натижалар берди. Хусусан, мазкур қонунга **“давлат болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек, уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўриши”,** деган норма киритилган. Натижада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан **“Меҳр”** номли 5 та операция ташкил қилиниб, Сурия, Ироқ ва Афғонистон ҳудудларида мураккаб вазиятда қолган 550 дан ортиқ хотин-қиз ва бола юртимизга қайтарилиб, уй-жой ҳамда иш билан таъминланди.

Шунингдек, юқоридаги қонунга **“Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари”**, деган норма ҳам киритилиб, биргина 2021 йилда давлат бюджетидан 120 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 757 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола уй-жой билан таъминланди. Бу жараён келгуси йиллардаги давлат бюджетларида ҳам назарда тутилиши белгиланди.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйларини деинституционализация қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага ва оилавий шароитга яқинлаштирилган масканларга жойлаштириш ишлари бошланди.

Ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш ҳамда бу тизимнинг шаффоф тартибини жорий этиш мақсадида ҳукуматнинг “2021-2023 йилларда ёшлар уйларини қуришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Буларнинг барчаси мамлакатда ёшлар сиёсати мазмунан, шаклан ва моҳиятан ўзгаргани, Ўзбекистонда баркамол келажак улғаяётганидан хайрли муждадир.

**— Кейинги йилларда мамлакатимизда она ва бола саломатлигини, умуман, халқимиз генофондини яхшилаш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлаш масаласи ҳам четда қолмади. Айтинг-чи, мана шу икки жиҳат тараққиёт учун қандай хизмат қилади, нечоғлик аҳамиятли?**

— Она ва бола саломатлиги ва хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлаш — тараққиёт ҳодисаси, соғлом цивилизация. Қандай давлат бўлишидан қатъи назар, агар шу икки муҳим масалани эътиборсиз қолдирса, сўзсиз инқирозга юз тутади.

Шу боис, бундан беш йил олдин иш бошлаган Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва гендер тенгликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентнинг 2021 йил 26 июлдаги “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, аҳолига давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори-дармон билан кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш мақсадида “Кафолатланган пакет” тасдиқланди.

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс, деб топилганда ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш амалиёти йўлга қўйилди.

Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисоблаш тизими яратилди.

Мамлакатимизда охирги беш йилликда бошқа соҳалар билан бир қаторда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида ҳам бир қатор ижобий ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, Олий Мажлис Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақидаги қарор тасдиқланди.

Уларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди. Қонун ҳужжатларидаги жинс бўйича камситилишга йўл қўядиган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси тузилди. “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика ҳамда 28 та ҳудудий, туманлараро маркази ташкил этилди, республика ва ҳудудий Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлим бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари — вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида ҳокимнинг ўринбосари мақомига тенглаштирилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, давлат бюджетидан 512 миллиард сўм ажратилди.

Ўтган беш йилликкача оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларимиз кўзида оғир мунг бор эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган, ижарама-ижара сарсон юрган, камига ногиронлиги бўлган аёллардан, ҳолинг қандай, деб сўрамадик. Уларнинг дарди ичида эди. Ҳатто қанчаси жонига қасд қилишгача бориб етди. Чунки оғир шароит ва умидсизлик гирдоби ҳар қандай иродали инсонни тамом қилади.

Президентимизнинг инсонпарварлик сиёсати туфайли шу даврлар ҳам ортда қолди. Бугун ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун арзон уйлар қуриш ва уларга бериш тартиби жорий этилди. 124,6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 5 минг 500 нафарга яқин хотин-қизнинг уй-жой шароитлари яхшиланди. Шунингдек, 17 минг 740 нафарига 393,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳимояга муҳтож 30 ёшдан ошган 883 минг хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатилиб, 1 триллион 950 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Уй-жойини таъмирлашга муҳтож, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган 5 минг 140 хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди. Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган 11 минг хотин-қизга ижара компенсацияси тўлаб берилди, уларнинг 4 минг 769 нафари имтиёзли арзон уй-жой билан таъминланди.





Тиббий ҳимояга муҳтож 161 минг 578 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга тиббий хизмат кўрсатилди. Уларнинг 3 минг 37 нафари вилоятлар марказлари ва пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган клиникаларда ордер орқали бепул соғломлаштирилди. Оғир бемор бўлган хотин-қизлар республика миқёсидаги клиник касалхоналарга ётқизилиб, бепул операция қилинди.

Сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг фаоллиги салмоқли даражада ошди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хотин-қизлар улуши 32 фоиз, Сенат аъзоларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий кенгашлар депутатларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 26 фоизга, тадбиркорликда 25 фоизга етди. Раҳбарликка захирага олинганлар 2016 йилда 3 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 15 мингдан ошди.



Нафақат жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, балки яхши фарзандларни тарбиялаб вояга етказган аёллар, жумладан, уй бекалари учун илк бор “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини таъсис этилиб, 855 нафар *(2019 йилда 290 нафар, 2020 йилда 287 нафар, 2021 йилда 278 нафар)* хотин-қиз кўкрак нишони билан тақдирланди. Мана бу ҳам тарихимизда бўлмаган сиёсат эди.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони 365 минг нафар бўлиб, жами талабалар сонига нисбатан 47 фоизни ташкил қилмоқда. Уларнинг 144 нафари меҳрибонлик уйларидан келган, 1 минг 598 нафари “Темир дафтар”га, 993 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган талаба-қизлардан иборат.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг 41 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, айни пайтда тизимда хотин-қизлар орасида 879 нафар фан доктори, 2 минг 208 нафар фалсафа доктори (PhD), 833 нафар профессор, 2 минг 24 нафар доцент барқарор фаолият юритмоқда. Шунингдек, 4 ректор, 56 проректор (ректор ўринбосари), 199 факультет декани ва декан ўринбосари лавозимлари аёлларга тегишли.

Республика бўйича соҳалар кесимида 3 йиллик маълумотларнинг таҳлилига кўра, талаба-қизлар улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Магистратура босқичида ўқишини давом эттирган талаба-қизлар сони 2019 йил 4 минг 488 нафарни, 2020 йилда 12 минг 855 нафарни, 2021 йил 13 минг 600 нафарни ташкил этади.

Базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган 1 минг 431 нафар муҳтож қиз, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳисобидан тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди.

Мен ҳозир кўпроқ рақамлар билан гапирдим. Чунки ўтган йилларда бажарилган ишлар ҳақида айтганда, бу рақамларни келтирмасликнинг иложи йўқ эди. Энди саволингизга қўшимча жавоб сифатида яна бир мулоҳазани билдирмоқчиман. Қуръони каримнинг энг катта сураларидан бири “Нисо”, яъни “Аёллар” деб аталади. Бу сурада инсонлар аёлларга нисбатан адолатли бўлишга даъват этилади. Бунда ҳам буюк илоҳий ҳикмат мужассам.

Демак, хотин-қизлар, она ва бола саломатлиги бундан кейин ҳам доимий эътиборда бўлади, ислоҳотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

**— Дарҳақиқат, бу ислоҳотлар ҳар биримизнинг бош мақсадимиз сифатида белгиланган. Шу ўринда, якуний хулоса сифатида Ҳаракатлар стратегиясининг асл мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик.**

— Шу саволингизга жавобни Амир Темур бобомизнинг қудратли салтанат бошқарувидаги сиёсатидан бошласам. Бобомиз халқчил мамлакат қуриш мақсадидаги йўриғида бундай ёзади: “**Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-имората бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин”.**

Мана энди бир гапни айтсак бўлади. Президентимиз бундан беш йил олдин ишлаб чиққан Ҳаракатлар стратегияси ҳам ана шу олижаноб мақсадларни амалга ошириш йўлидаги катта сиёсат эди.

Ҳаракатлар стратегияси асосидаги ислоҳотлар сабабли Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати тубдан ўзгарди. Дунё давлатлари прагматик очиқ сиёсат юритаётган ва янги-янги ташаббуслар билан юзланаётган Ўзбекистонни таниди.

Мамлакатимиздаги халқчил ислоҳотлар жамиятимизда катта умидлар уйғотди. Бу сиёсат юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро миқёсда ниҳоятда юқори баҳоланяпти.

Қолаверса, халқимиз шу йил октябрь ойида тарихий танлов қилди — ўз Президенти Шавкат Мирзиёевни иккинчи муддатга тўлиқ ишонч билан қайта сайлади. Бугун янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқдамиз. Бу Президентимиз белгилаб берган Янги Ўзбекистон стратегияси асосида амалга ошади.

Катта мақсадларни кўзлаганмиз. Бу йўлда **“Инсон қадри учун” тамойили** бош мақсад қилиб олинган. **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил** барча ислоҳотларимизни янги сифат босқичига олиб чиқувчи асосий мезон ўлароқ кун тартибига қўйилди. Тараққиёт стратегияси амалий ҳаракат дастури сифатида Ўзбекистоннинг янгиланган ички ва ташқи сиёсатини белгилайди ҳамда Учинчи Ренессанс тамал тошини қўйишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бир жиҳатни англамоқ лозим: ислоҳотлар, агар улар чинакам ислоҳотлар бўлса, ҳеч қачон осон ўтмайди. Инсоният тарихи шуни уқтирадики, чуқур ислоҳотлар, айниқса, бошланғич босқичда, доимо муаммоларни, зиддиятларни кескинлаштиради. Ислоҳотлар учун вақт доимо тансиқ, улар ҳар доим таҳлика билан боғлиқ. Ўзгаришларни барқарорликка путур етказмасдан амалга ошира билиш энг катта муаммо ва катта санъатдир.

Биз ишонч билан айтамиз: узоқни кўзлаган бугунги шиддатли саъй-ҳаракатларнинг хайрли натижалари узоқ куттирмайди. Бир неча йилларда Тараққиёт стратегиясининг бугунгидан ҳам ёрқинроқ самараларини кўрамиз.

**— Албатта, бунга ишончимиз комил. Мазмунли суҳбатингиз ва фикрларингиз учун раҳмат.**

**Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.**



## БАХШИЧИЛИК

# ДУНЁ НИГОҲИ ТУШГАН САНЪАТ

**Умид НОРБОЕВ,**
**Республика бахшичилик санъати маркази бош директори**

Бошланиши 1-бетда

Қарорда бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш, бахши-шоирлар ижодининг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, шунингдек, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, бахшичилик ва достончилик санъатини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали юртимизда ва хорижда тарғиб этиш, устоз бахшилар, достончилар, соҳа олимлари ва мутахассислари, иқтидорли ёш бахшилар ҳамда достон ижрочилари фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юрт ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда юртимизда 256 нафар бахши, оқин ва жиров ижод қилиб келмоқда. Улардан 22 нафари Ўзбекистон халқ бахшиси, 5 нафари Қорақалпоғистон халқ бахшиси унвони, 4 нафари "Дўстлик" ордени, 1 нафари "Меҳнат шуҳрати" ордени, 9 нафари "Шуҳрат" медали, 7 нафари "Ниҳол" давлат мукофоти соҳибидир. 2 нафари эса "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган. Шунингдек, 73 нафар аёл бахши, оқин ва жиров фаолият юритяпти.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида 107 та бахшичилик синфи мавжуд бўлиб, уларда 1350 дан ортиқ ёшлар бахшичилик санъати сирларини ўрганмоқда. Мавжуд маданият марказлари ҳузурида 32 та бахшичилик тўгараги фаолият юритмоқда.

Олий таълимда ҳам бахшичилик соҳасида ўқитиш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида "Бахшичилик ва достончилик" таълим йўналиши бўйича 2020-2021 ўқув йилида 27 нафар, 2021-2022 ўқув йилида 16 нафар иқтидорли талаба ўқишга қабул қилинди.

Ўтган йили Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида болалар мусиқа ва санъат мактабларида фаолият юритаётган бахши педагог кадрлардан 56 нафари, жорий йилда 48 нафарининг малакаси оширилди.

Бахшичилик санъатини ривожлантириш ва тарғиб этиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида, 2021 йил 13-17 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестиваллари бўлиб ўтди.

Шу кунга қадар 2 та халқаро илмий-амалий конференция, республика миқёсидаги 2 та илмий-амалий анжуман, ўқув семинарлари ҳамда ўнга яқин кўрик-танлов ташкил этилди. Бахшичилик санъатига оид 8 та илмий қўлланма, 4 та рисола, 5 та достон, 7 та терма чоп этилди. Ҳозирги кунда бахши, оқин ва жировлар ижросида ёзиб олинган 24 та достон ва 1 та терма китоб шаклига келтириш учун тайёрланди.

Бахшичилик санъати чолғу асбобларини ясайдиган уста ҳунармандларга кенг имконият яратиш, уларнинг иш шароитини яхшилаш ҳамда яратаётган чолғу асбобларини кенг тарғиб қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 6 нафар таниқли бахши ҳақидаги фильмлар суратга олингани нур устига нур бўлди.

Бахшичиликни ривожлантириш йўлидаги меҳнатларимиз натижаси ўлароқ, бугун дунё халқлари ўзбек бахшичилик санъатини танияпти. Бу азалий санъатимиз эътирофи бизни руҳлантириб, янада муносиб меҳнат қилишга чорлайди. Ушбу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамиятнинг ҳам мададкор бўлишидан бошимиз кўкка етди.

Энг қувонарлиси, Президентимизнинг ушбу санъатга бўлган эътибори, саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йил 16 декабрь санаси бахшичилик санъати тарихига муҳрланиб қолди. ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан мазкур санъат Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани эълон қилинди.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўп миллатли халқимизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Халқ оғзаки ижодининг ушбу гўзал ва бетакрор намунаси юртимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилган. Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди, бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда. Ёшларни она юртга, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни адолат ва инсонийликка чорлаш, баркамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни беқиёсдир.

## ТАҚДИМОТ

# Аждодлар мероси — илм чўққиларига пиллапоя

**Муножат МЎМИНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Юртимизда виждон эркинлигини таъминлаш, халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш, ўсиб келаётган авлодни азалий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги диний-маърифий ислоҳотлар, шубҳасиз, ўтмиш аждодларнинг бой маънавий меросини янада чуқур ўрганишга хизмат қилмоқда.**



Айни ҳақиқат "Аждодлар меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Тадбир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан чоп этилган нашрларнинг алломаларимиз илмий ва диний меросини кенг жамоатчиликка етказишдаги аҳамияти ва ҳозирги глобаллашув жараёнида исломнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беришда тутган ўрни ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Иштирокчилар талаба ёшлар билан улуғ алломаларимиз, хусусан, Имом Бухорий ҳаёти ва асарлари ҳақида жонли мулоқот қилди. Савол-жавоб тарзида ўтган қизғин мулоқот давомида ёшлар Имом Бухорий ҳақидаги ва ҳадисларга оид билимларини намойиш этди.

Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Имом Мотуридийнинг "Таъвилот ал-Қуръон" асари 30-жузи, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг "Муснад", Имом Бухорийнинг "Сулосиёт ул-Бухорий", Жалолиддин Суютийнинг "Лубоб ул-ҳадис", Абу Бакр Розийнинг "Туҳфат ул-мулук" асарларининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржималари, шунингдек, марказ муассислигида чоп этила бошлаган "Имом Бухорий сабоқлари" маънавий-маърифий, илмий-адабий журналининг нашрдан чиққан янги сони тақдим этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, илмий ходимларнинг кенг кўламли таржима ва китобнавислик ишлари йирик илмий натижалар сифатида марказда тадқиқот олиб бориш учун етарли шароит яратилганининг самарасидир. Янги Ўзбекистон шаклланиши даврида ташкил топган марказнинг бугунги салоҳияти эришилган ютуқлар воситасида илм ва маърифатнинг янги чўққилари сари дадил одимлашга замин ҳозирламоқда.

> **Тақдимотда бу каби нашрлар дин соҳасида илмий-маърифий фаолиятни янада жадал ташкил этиш ва ислом динининг софлигини сақлаш, ёт ғояларнинг ёш авлод онгини заҳарлашига йўл қўймаслигини таъминлаш нуқтаи назаридан мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларига бўлган боқий эҳтиёж мавжудлиги қайд этилди.**

— Ёшларимиз илмий марказлар, нашриётлар томонидан чоп этилаётган бой маънавий асарлардан хабардор бўлиб боришлари ғоят муҳим. Чунончи, улар аждодларимизнинг илмий салоҳиятига муносиб баҳо бера олиш баробарида, улар қолдирган ноёб асарларнинг мазмун-моҳиятини ҳам чуқур англаши керак. Бунда янги нашр этилаётган китоблар, илмий журналларнинг ўрни беқиёс, — деди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Воҳид Аҳмедов.

Тадбир якунида марказ номидан Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети жамоасига адабиётлар тўплами ҳадя қилинди. Мазкур адабиётлар журналистикамизнинг бўлғуси вакилларининг илмий салоҳиятини, аждодларимиз мероси ҳақидаги билимларини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

## МОЗИЙГА НАЗАР

**Исҳоқхон тўра Ибрат шоир ва олим, ношир ва педагог, дин арбоби ва ислоҳотчи сифатида бутун умрини Ватан ва миллат манфаатига бағишлади. Шоир ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини варақлар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасида ҳикмат ва ибрат мактабидан инган маърифатнинг гувоҳи бўламиз.**



# ИБРАТДАН ИНГАН МАЪРИФАТ

Бу ўринда унинг "Луғати ситтати ал-сина", "Жомеъ ул-хутут", "Тарихи Фарғона", "Мезон уз-замон" каби илмий-педагогик, бадиий асарларидаги маълумотлар, Ибратни яқиндан билган замондошларининг хотиралари ва у ҳақда ўша давр вақтли матбуотида эълон қилинган мақолалар муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, Исҳоқхон тўра Ибрат шоир, тарихнавис, тилшунос ва исломшунос сифатида ўзидан бой мерос қолдирган. Хатнинг ўн етти турида қалам юргизган моҳир хаттот, ўз номида "Матбааи Исҳоқия"ни ташкил этган биринчи ўзбекноширларидан эди. Кейинчалик Исҳоқия кутубхонасининг ташкил этилиши, буларнинг натижасида ўнлаб китоб дўконлари очилиши Ибратнинг ўз даврининг етук маърифатпарварларидан эканини асослайди.

Ибрат теран тафаккур соҳиби сифатида жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлади. У онаси орзу қилган ҳаж сафарига мушарраф бўлади ва муборак зиёратда вафот этган волидасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттирди. Шу билан бирга, Европанинг Истанбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда шаҳарларида истиқомат қилди.

Макка шаҳридан ҳинд диёрига келди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшади. Бу ерда кўп ишлатиладиган арбаъ лисонни, яъни тўрт тилни — араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. Чет элларда у Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаёти, маданияти ва санъатини муқояса этиш имконига эга бўлди. Европанинг илғор илм-фанини яқиндан ўрганди, илмий асарлари учун қимматли материаллар тўплади. Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини ҳам билиш зарур, деб ҳисоблади ва француз, инглиз тилларини, қадимий финикия, сурия, юнон ёзувларини ўрганди.

Ибрат маърифатпарвар ҳамда мутафаккир шахс сифатида маънавий-маърифий кашфиётларни нуктадонлик билан қабул қилган. Янги мактабларнинг жамият тараққиётига кириб келиши ўзбек ўқувчиларига қийинчилик туғдирди. Буни инобатга олган полиглот олим арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган "Луғати ситтати ал-сина", яъни олти тилли луғатни яратади.

Миллий уйғониш даври жадидия таълими ўша даврданоқ хорижий тилларни билмоқликка тараққиёт омили сифатида алоҳида эътибор қаратган. Жадидлар мактабида айнан шу китоб асосий дарсликлардан бири сифатида фойдаланилган.

"Тарихи Фарғона" асарида ҳаққоний давр тарихини ёзди ҳамда тарих сабоқларига ўз муносабати ва хулосасини тарихий, исломий манбалар билан асослаб берди. Бунинг баробарида тараққиёт ва синовлар олдида турган жамият учун "Мезон уз-замон" асарини яратди. Унинг серқирра илмий-ижодий ва ташкилотчилик фаолияти ўз давридаёқ кенг миқёсда эътироф этилган.

Ушбу асарда кишилик жамиятини илм-фанга, тараққиётга ундайдиган, яшамоқлик аслида дунёга, нафсга мубталолик эмас, балки инсон зотига мулк қилиб берилган илму маърифатни кашф қилмоқ, барча мезонлар инсон бахти ва қадри учун хизмат қилиши хусусида фикр юритилади. Асарда замон ва жамият хусусидаги мушоҳадалар 9 та мезонда асосланган.

Биринчи мезон илм, аҳли умматга инкор эшикларини эмас, саодат эшикларини очиши хусусида. Зеро, жадид маърифатпарварларининг асосий ғояларидан бири фақат оғир меҳнат эмас, балки илм орқали бахтли ҳаёт сари интилмоқдир. Аллоҳ томонидан инсон қадр-қиммати учун яратилган имкониятлар эшигини кашф қилмоққа урғу берилади.

Иккинчи ва учинчи мезонда ҳалоллик, ростгўйлик, аҳиллик, инсонпарварлик, илму маърифатнинг манбаси бўлган Қуръон ва ҳадисга амал қилмоқлик каби масалалар тилга олинган. Қайд этиш жоизки, Ибрат ўз даврида бугунги кунда тараққиётимиз стратегияларидан бири бўлган ижтимоий сиёсатнинг нечоғлик аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтган.

Тўртинчи мезонда илм, тафаккур, авлод тарбияси ва усули савтия мактабларининг миллат ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида фикр юритилган. Бу ўринда аслида инсонлар табақалашуви эмас, балки билим ва тажриба асосида бахтли истиқбол учун тадорикли бўлиши лозим эканини таъкидлайди.

"Асримиз илму ҳунар, ҳаракат асридур, турмоқ асри эмас, — деб ёзади бешинчи мезонда Исҳоқхон тўра. — Ғофил турса, ғафлат уйқусидин тургунча, бозори олам ўтуб кетадур. Ўрганмоқ даркор. Эътибор қилинглар, эй оқиллар".

Олтинчи мезон бидъат ва ортиқча сарф-харажатларга ружу қўйиш, фикрсизлик иллатларининг муолажаси хусусида. Демак, бу иллатларнинг ўзаги аслида ўқиб туриб уқмасликка тақалади, бутун бир халққа суратан ҳашамдорлик аслида иллату қарз балосидан ортиқ наф келтирмаслиги таъкидланади.

Еттинчи ва саккизинчи мезонлар либос борасидаги мунозаралар, одамга эмас, либосга ихлос қўйиш, дунёпарастликнинг ёмон оқибатлари ҳақидадир. "Туркистон саховати, муруввати кўб фирқани гадо қиладур. Либосга ишонадурлар. Агарда либосда динга хабар бўлса эди, **ал иймону иқрорун бил-лисон ва тасдиқун бил-қалб,** яъни ислом манбаларида келтирилганидек, иймон тил билан иқрор бўлиб, қалб билан тасдиқлашдир, демай, ал-иймону қалансувату-л-араби ва жуббатуҳу-т-тижория, яъни имон арабча кийиму кўринишда, дер эдилар", дея аслида мукаммал имон тилда ҳам, қалбда ҳам Аллоҳ розилиги учун савоб ишларга қўл урмоқ ва суннатга амал қилмоқликда эканини куюнчаклик билан уқтиради. Бу мавзу бугунги кунда ҳам ўз глобаллигини йўқотгани йўқ. Зеро, мутафаккир таъкидлаганидек, миллатнинг маънавий юксаклиги, китоб ва илм саодати нуктадонлиги билан ушбу муаммоларга барҳам бериши мумкин.

Тўққизинчи мезонда эса ўтмиш ва замон воқеалари муқояса қилинади. Муҳим хулосалар чиқарилади. У ўз даврининг донишманди сифатида миллат ва ёшлар тарбияси хусусида кўп ўйлайди. Ёшларни вақтини уволу гуноҳлар, таҳдитомуз фикрлар билан зое кетказмасдан, минг йиллик илму ижоддан маърифатланишга чақиради.

Ибрат илк бор "Матбааи Исҳоқия" нашриётида нур таратаётган қуёш тасвири ичида илм сўзини ўйиб ёзган, илм гўё нур таратаётган қуёшга ўхшатилган. Бу рамзий тасвир нашриётда чоп этилган барча китобларга туширилган. Бугунга қадар ҳам бу рамзий тимсол маърифат булоғи бўлган кўпгина китобларда сақланиб турибди.

Ибрат шеърларида доимо башариятни илм-фан мулкига эга чиқмоқликка ундайди:

*Ҳар замон аҳлиға бир фан русуми*
*ўлғай ривож,*
*Ул замон аҳлиға кирдор этмаса доно эмас.*
*Қайдин ўлғайман замон одаму асру атиқ,*
*Ибрат ол, илм асридур, кимсаи воло эмас.*

Хуллас, Ибрат асарларида илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ечими топилиши лозим бўлган долзарб масалалардир.

Биз бугунги кунда миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари қадам қўяр эканмиз, ана шу миллат фидойиларининг касбини камол топтирган умуминсоний қадриятларимизни миллатимиз онгу шуурида узоқ тарихга эга тафаккур сингари янгидан тиклашимиз лозим.

**Назмия МУҲИТДИНОВА,**
**Самарқанд давлат университети доценти, филология фанлари доктори**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 4346
75974 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 23:00